

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“QIZILTEPA UN ZAVODI” ochiq
aksiyadorlik jamiyatı акциядорлари
умумий йигизашининг
2014 йил 22 ноябрдаги 2-сонли
карори билан



“QIZILTEPA UN ZAVODI” aksiyadorlik jamiyatining

УСТАВИ

КИЗИЛТЕПА - 2014 йил

1. Жамиятнинг юридик мақоми, фирма номи, жойлашган жойи, ва электрон почта манзили.

1.1. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи:

“QIZILTEPA UN ZAVODI” aksiyadorlik jamiyati.

Жамиятнинг давлат тилидаги кисқартирилган фирма номи:

“QIZILTEPA UN ZAVODI” AJ.

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

Акционерное общество “QIZILTEPA UN ZAVODI”.

Жамиятнинг рус тилидаги кисқартирилган фирма номи:

АО “QIZILTEPA UN ZAVODI”.

1.2. Бундан бўён матнда “жамият” деб аталувчи **“QIZILTEPA UN ZAVODI”** aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери ва почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Кизилтепа шаҳри, Ёшлик кўчаси 2-й Індекс: 210402.

1.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: qiziltepa_un@mail.uz

1.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.Qiziltepaunzavod.uz.

1.5. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.7. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.8. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисобвараклари очишга ҳақлиdir.

1.9. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.10. Жамият ўзининг номи ёзилган штами ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2. Жамият фаолиятнинг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади.

2.1. Жамиятнинг ташкил қилинишида мақсад – хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун қатнашчиларнинг ўз пул маблагларини жалб этиш йўли билан акцияларни чикириш, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молиявий таъминлаш тамоилларида фойда олиш мақсадида ва олинган фойдани акциядорларнинг умумий йигилиш қарори билан тақсимлаш (дивиденд олиш, ишлаб чикириши ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яхшилаш).

2.2. Жамият фаолиятнинг соҳаси (асосий йўналишлари) қўйидагилардан иборат:

- жамият фаолиятнинг асосий мақсади фойда олиш, бозор инфраструктурасини тузиш, жисмоний ва юридик шахсларга турли хизматлар кўрсатиш ва ишлар баражиши.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган корхона ва ташкилотлар, МДҲ давлатларидағи корхона ва ташкилотлар билан тўғридан тўғри алокалар ўринатиш, иш фаолиятидаги самарали методларни қўллаш, бозор потенциалларини тақомиллаштириш, моддий маблаг ва меҳнат захираларидан унумли фойдаланиши.

2.3 Жамиятнинг асосий вазифлари қўйидагилар:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорка хўжаликларида етиширилган дон маҳсулотларни қабул қилиш, саклаш ва қайта ишлаш;
- ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорка хўжаликларига етказиб бериш;
- ун ва ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот, ахолига етказиш, ва сотиш;
- омухта ем ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ион ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, саклаш, қадоклаш ва сотиш;
- ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш;
- автотранспорт хизматлари ва ишлари;
- темир йўл хизматларини кўрсатиш;
- чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алокаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибида ташки иктисадий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошка фаолият турлари билан шуғулланиш.
- Жамият Конун хўжжатларида ман этилмаган ва таъсис хўжжатларида кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан Конун хўжжатларида белгиланган тартибида шуғулланиши мумкин.
- Жамият ўз фаолиятини амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибида амалга оширади. Махсус рухсатнома талаб килинадиган фаолият турини қонунда белгиланган тартибида рухсатнома олинганидан кейинтина амалга оширади.

3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) микдори.

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам микдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳакли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият Устав жамгармасининг микдори 620 274 000 (олти юз йигирма миллион икки юз етмиш тўрт минг) сўмни ташкил қиласи ҳамда номинал қиймати 2000 (икки минг) сўм бўлган 310 137 (уч юз ўн минг бир юз ўттиз етти) дона акцияларга,

• Шундан, 310 008 (уч юз ўн минг саккиз) дона оддий ва 129 (бир юз йигирма тўккиз) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.



4. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари.

4.1. Жамият томонидан 310 137 (уч юз ўн минг бир юз ўттиз етти) дона акциялар, Шундан, 310 008 (уч юз ўн минг саккиз) дона оддий ва 129 (бир юз йигирма түккиз) дона имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

4.2. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 3 000 000 (уч миллион) дона, шундан 2 900 000 (икки миллион түккиз юз минг) дона оддий, 100 000 (юз минг) дона имтиёзли акциялардан иборат.

4.3. Жамият акцияларининг номинал қиймати 2 000 (икки минг) сўм.

5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва камайтириш.

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларининг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларининг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.3. Кўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларининг сони доирасидагина жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига кисқартирилиши керак.

5.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда факат жамиятнинг ўз капитали хисобидан амалга оширилади.

5.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унииг ўз капитали хисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга кайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишида тақсимланади. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтирилиши

натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиклиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.11. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгashi томонидан қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

5.12. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳакли.

5.13. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳак тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хуқуклар (шу жумладан мулкий хуқуклар) оркали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳак тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, кўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳак тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.14. Жамиятнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳак тўланиши лозим.

5.15. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳаки тўланадиган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳаки сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.16. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор килган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.17. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг (устав капиталининг) жамият уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳакли эмас.

5.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

5.19. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.20. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўтгиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор киласи. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўтгиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуuriятларини муддатидан олдин бажарлиши ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан борлик зарарларнинг ўрцини коплашини талаб қилишга ҳакли.

6. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари.

6.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга хамда жойлаштиришга ҳақли.

6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида карор қабул килиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш жамият кузатув кенгашининг карорига кўра амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан жамият кузатув кенгашининг карорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур карор жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7. Жамиятнинг фондлари.

7.1. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.5. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали тикланади.

7.6. Жамият қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш хукукига эга.


8. Дивидендларни тўлаш.

8.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўkkиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида карор қабул қилишга ҳақли.

8.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай карор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари.

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) жамиятнинг бошқарув органларидир.



9.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у зерли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечичтирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар хал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя килиш тўғрисида»ги конунининг 59-моддаси биринчи кисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади, жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бундан мустасно.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

9.7. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

1) жамият уставига ўзgartиши ва қўшимчалар киритиши ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги ўзgartиши ва қўшимчалар киритиши бундан мустасно;

2) жамиятни кайта ташкил этиш;

3) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

6) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;


8) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукукига эга;

9) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10) жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

11) жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

12) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришига доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг холосаларини энгизиш.



- 13) имтиёзли хукукни кўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасида назарда тутилган карорни қабул қилиш;
- 14) акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 15) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- 16) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг ўзкори микдорларини белгилаш;
- 17) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларйда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- 18) мазкур жамият уставига ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.9. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.10. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган карорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йигилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йигилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида мухим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

9.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

9.12. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

9.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

- 9.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
 - 1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - 2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи кисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
 - 3) акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - 4) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - 5) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - 6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи кисмининг иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
 - 7) мол-мulkнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - 8) жамиятнинг бошкарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайланы (тайнинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - 9) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;


- 10) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- 11) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиши ва жамият кузатув кенгашни зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгашни ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 12) аудиторлик текширувани ўтказиши тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 13) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 14) дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 15) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фонdlаридан фойдаланиш;
- 16) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 17) жамиятнинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган холларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 19) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 20) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- 21) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва кўшимчалар киритиши тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш орқали кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва кўшимчалар киритиши тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно;
- 22) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- 23) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритиши ва уларнинг матнини тасдиқлаш;
- 24) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 25) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга шайрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 26) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 27) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорларини белгилаш.

9.15. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.


9.16. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.17. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашнинг сон таркиби 5 кишидан зборат.

9.18. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда сайта сайланиши мумкин.



- 9.19. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сийланishi мумкин эмас.
- 9.20. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 9.21. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сийланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар мазкур уставда ёки акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб кўйилиши мумкин.
- 9.22. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали замалга оширилади.
- 9.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сийланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўргасида тақсимлашга ҳакли.
- 9.24. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сийланган деб ҳисобланади.
- 9.25. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сийланади.
- 9.26. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сийлашга ҳакли.
- 9.27. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласи.
- 9.28. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.
- 9.29. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзосининг, шунингдек ички аудит ҳизмати талабига кўра чакирилади.
- 9.30. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда замиди бир марта чақирилади.
- 9.31. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сийланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.
- 9.32. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сийлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул килишга, шунингдек жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тутагилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.
- 9.33. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.
- 9.34. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.
- 9.35. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.



9.36. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

9.37. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлиса ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул килинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгashi мажлиsining баённомаси мажлиsida iштиrok этаётgan жamияt kuzatuv kengashi aъzolari томонидan имзоланади, улар мажлиs баённомаси тўғri расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.39. Жамият кузатув кенгashi мажлиsining баённомаси имзолangan куни жamияtning ижроia органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув kengashi акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳакидаги ахборот жamияtning ижроia органига kuzatuv kengashi mажлиsi ўтказилдиган куни топширилади.

9.40. Жамияtning кундалик фаолиятига раҳбарлик килиш коллегial ижроia органи - Boшқаруvi томонидан амалга оширилади.

9.41. Жамияt Boшқaruv 5 (беш) кишидан иборат бўлиб (Boшқaruv raisi, uning ўринbosарлари, бош бухгалтери ва бош иктисадчиси) бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

9.42. Жамияt Boшқaruv raisi жamияt акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланади, boшқaruv aъzolari эса жamияt kuzatuv kengashi томонидан тайинланади.

9.43. Жамияt Boшқaruv raisi va aъzolarininig xукуқ va мажбуриятлари konun xужжатларida, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жamияt билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.


9.44. Шартнома жamияt номидан жamияt kuzatuv kengashiinig raisi ёки kuzatuv kengashi ваколат берган шахs томонидан имзоланади.

9.45. Жамияtning Boшқaruv raisi va aъzolariiga tўланадиган ҳақ miқdori жamияt фаолиятининг самараадорлигига тўғridan-tўғri bogliқ bўladi va шартномada belgilanган bўliishi kerak.

9.46. Жамияtning Boшқaruv raisi va aъzolarininig vазифalarinи boшка tashkilotlарnинг boшқaruv orgانlariдagi lavozim bilan birgалиkda эгаллаб туришга faқat жamияt kuzatuv kengashiinig roziliги bilan йўл қўйилади.

9.47. Akциядорларнинг умумий йигилиши Boшқaruv raisi bilan tuzilgan шартномani u шартnomasi shartlarini buзgan taқdirda tugatiшga (bekor kiliшga) haқsli.

9.48. Жамияt kuzatuv kengashi Boшқaruv aъzolari bilan tuzilgan шартnomani улар шартnomasi shartlarini buзgan taқdirda tugatiшga (bekor kiliшga) haқsli.



9.49. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятта зарап етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

9.50. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан жамият Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида карор қабул килинган тақдирда, жамият Бошқарув раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг якин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиш учун колдирилиши мумкин.

9.51. Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида карор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида карор қабул киласди, шунингдек жамиятнинг Бошқарув раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиради.

9.52. Жамият Бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.53. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йигилишининг ва жамият кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил этади.


9.54. Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари ва мажбуриятларига кўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- жамият номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, жамият номидан битимлар тузиш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор килиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлаш;
- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- штатларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруклар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиши;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлаш.

Жамият Бошқарувини Раиси Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, мазкур устав ва жамият меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколат (хукуқ) ва мажбуриятларга ҳам эга.

9.55. Жамият Бошқарувининг ваколатлари ва мажбуриятларига кўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол –мулки ва пул маблагларини тассаруф этиши;
- жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;



- жамиятнинг ички мөърий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йигилишининг ва кузатув кенгашиниң ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- жамият ~~ваколатлари~~ ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- жамият филиаллари раҳбарларини лавозимга тайналаш ва лавозимдан озод этиш;
- жамиятниң ризосханетириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат килиш;
- жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олиши таъминлаш;
- конунчиларни мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши ва ишоеччиликни, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга берниш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида жамият бошқаруви яхшилантига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқаруви юборинга мувофиқ кузатув кенгаши хукмига ҳавола этилиши мумкин);
- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати жамият бошқаруви томонидан белгиланади;
- дивидендлар ҳисобланниши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларига риоя килиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига ҳамда жамият ички хужжатларига риоя килиш;
- жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг мөърий хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (хукуклар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Жамиятнинг фаолиятини назорат килиш.

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш учун акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга З аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

10.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланниши мумкин эмас.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси конун хужжатлари ва жамиятнинг мазкур устави билан белгиланади.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

10.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашиниң аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

10.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, жамият кузатув кенгашиниң ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор килиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичдаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

10.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятни текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиши тартиби бузилганилиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун хужжатлари бузилганилиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.8. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя килиниши тўғрисидаги хулосанни ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 10.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эштилади.

10.9. Активларининг баланс киймати энг кам иш ҳаки миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдордир.

10.10. Активларининг баланс киймати мазкур уставнинг 10.9. бандида белгиланган миқдордан кам бўлган тақдирда ҳам жамият кузатув кенгашининг қарорига асосан ички аудит хизмати ташкил этилиши мумкин.

10.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун хужжатларига, жамият уставига ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисоботларда маълумотларнинг тўлик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

10.12. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ конун хужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулоасини тақдим этади.

10.13. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосанни ўз ичига олган аудиторлик хулоаси тузилганилиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

11-модда Жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси.

11.1 Миноритар акциядорларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини химоя килиши мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

11.2 Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркиби З кишидан иборат бўлади.

11.3 Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

11.4 Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йигилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йигилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

11.5 Миноритар акциядорлар кўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошкарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

11.6 Миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколатига куйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чикиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя килиш билан боғлик мурожаатларини кўриб чикиш;

кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини химоя килиш тўғрисида мурожаатлар киритиш.

11.7 Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан кабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг микдор таркибига сайланган шахсларнинг камидан тўртдан уч кисми хозир бўлганда ваколатлидир.

11.8 Миноритар акциядорларнинг кўмитаси кабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишида хисобот беради.

11.9 Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.10 Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг хужжатларидан фойдаланиш хукукига эга.

11.11 Миноритар акциядорлар кўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашибга ҳакли эмас.

11.12 Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл кўйилмайди.

12. Якуний қоидалар.

12.1. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

12.2. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

12.5. Акциядорлар умумий йигилишини чақириш ва ўтказиш билан боғлик бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган низомда белгиланади.

Бошкарув раиси в.в.б

15

Ф.Камолов
«Qiziltepa-inn zavodi» AJning uстави
18-dekabr-2012-15.